



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



*Дунёда илдан
бошқа нажот йўқ,
ва зот қарон
бўлмаган.*

*И.но.и
Бухорий*

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Мотуридия калом мактабига оид янги манбалар таҳлили	2
Ҳайдархон ЙУЛДОШҲУЖАЕВ. Имом Бухорийга хизмат қилган аллома	5
МАНБАШУНОСЛИК	
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандийнинг "Базлу-н-назари фи усули-л-фиқҳ" асари – усули-л-фиқҳга доир муҳим манба	6
Комилжон РАҲИМОВ. "Шарҳ ат-таъарруф"нинг қўлёзма нусхалари	9
Ш. ЭШОНКУЛОВ. Зарафшон воҳаси тарихининг ўрганилишида "Девону луғотит турк" асаридаги тарихий манбалар ва этнонимлар	13
Икром ЖУРАЕВ. Ўзбек халқи этногенези тарихшунослиги, қадимги ёзма манбалар ва уларнинг археологик материаллар асосидаги таҳлили	14
ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР	
Масъудхон ИСМОИЛОВ. "Фаслу-л-хитоб"да термизийлар зикри	17
Шукурилло УМАРОВ. Ўзбекистон – буюк муҳаддислар юрти	18
АҲДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ	
Соатмурод ПРИМОВ. Абул Юср Паздавийнинг калом илмини ўрганиш борасидаги қарашлари	21
Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ. Мавлоно Мир Абдурахим Марғиноний	23
А. АСАТУЛЛОЕВ. Туркистон миллий матбуотида Абдурахмон Муҳаммад Содик ўғли Тошкандийнинг ўрни ва "Меъёру-л-ахлоқ" асари хусусида	26
Хуршида АШУРОВА. Ҳожи Муин замондоши Шокир Мухторий ҳақида	28
ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН	
Иброҳим УСМОНОВ. Қуръондаги масаллар	29
Лобар АСРОРОВА. Фатво жанри ва фатво китобларидан намуналар (XIII-XIV асрлар мисолида)	31
Ҳакима САЛОМОВА, Зафар АДИЛОВ. Мавлавия тариқатида табиат борлиги талқини	34
Одил ЭРНАЗАРОВ. Тан ва Сун сулолалари ҳукмронлиги даврида Хитой мусулмонларининг жамиятга мослашуви	36
БАТАНИМИЗ ТАРИХИ	
Низом АВЛИЯКУЛОВ. Диёримизда илк бор уч поғонали таълим тизимининг шакллантирилиши тарихи ҳақида	39
Робия ЗИЁДОВА. Тасаввуф илмининг шаклланиши	41
Раъно ТҮҲТАЕВА. Буюк йўлбошчимиз И.А. Каримов Ўзбекистон машҳур аллома ва мутаффақирлари меросини ўрганишнинг толмас раҳнамоси	43
Jasur YAQOVJANOV. O'zbekiston tarixi darslarida Qo'qon-Rossiya munosabatlari tarixshunosligidan foydalanish	46
Олимжон ИРИСКҮЛОВ. XIX аср иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрида иқтисодий-сиёсий ўзгаришларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётга таъсири	49
Р. ХУДАЙБЕРГАНОВ. Урта аср Хоразм халқлари маданияти	51
Феруз БОБОЕВ. Ўзбекистон ССРда совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг ижтимоий таркиби	52
Д. КАРИМОВА. Илк зардуштийлик эътиқодининг шаклланишида Жарқутон ибодатхонасининг тутган ўрни	55
ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ	
Маҳбуба АБДУЛЛАЕВА, Гулчеҳра ҒАФФАРОВА. Демократик ислохотлар ривожланиш моделининг асоси сифатида	57
Шерзод ИСКАНДАРОВ. Ўзбекистон арабларининг бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлари	60
Азиза НОСИРОВА. Ксенофобиянинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари	62
Тунис ХОЖИЕВ. Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигининг тарихий босқичлари	65
Насиба ХАЛМАТОВА. Сиҳат саломатлик – бола баркамоллигидир	68
Илҳом САИДОВ. Ўзбекистонлик жангчиларнинг Молдавия озодлиги учун қаҳрамонликлари	71
Абдуҳакимжон ШАРИПОВ. Инсон манфаатларини таъминлаш ва халқ билан мулоқот қилиш жараёнларида ижтимоий ҳамкорлик	73
МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ	
Шаҳзод ИСЛАМОВ. "ИШИД" террорчи ташкилотининг диний мазмундаги тарғиботи	76
Соҳиба ЯЗДАНОВА. Миссионерликда динларнинг ўзаро бир-бири билан қарши қўйилиши. (Христианлик ва Ислам мисолида)	79
Баҳриддин МАМАРАСУЛОВ. Диний экстремизмга қарши курашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурияти	82
ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР	
Абдулатиф АБДУМАЛИКОВ. Ёшларда информацион маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий асослари ва объектив зарурияти	84
Иномжон АСАТУЛЛОЕВ, Зариф АРСЛОНОВ. Эрих Фромм фалсафасида маънавий ёлғизликнинг ижтимоий жараёнга боғлиқлиги	86
Дилрабо ҒАЗИЛОВА. Ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфаси тўғрисидаги қарашлар ва ўзига хос жиҳатлари	88
Марат НИЯЗИМБЕТОВ. Мурақаблик методологияси	91
Исобек ШЕРМАНОВ. Инсон меҳнат фаолиятидаги моддийлик ва маънавийлик: мақсад ва натижалар диалектикаси	93
Хуршид ТОШОВ. Миср фалсафий тафаккур тараққиётида герметизм оқимининг вужудга келиши ва трансформацияси	96
ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР	
Йўлдошхон ИСАЕВ. Уч кечадан ортиқ араз қилмаслик	98
ЯНГИ НАШРЛАР	
Зоҳидулло МУНАВВАРОВ. Ўзбек тилшунослигининг улкан ютуғи	99

ССИС:

халқаро маркази

харрир:
ЗИЁДОВ

ўринбосарлари:
АММАДИЕВ,
АББОРОВ

котиб:
УМАРОВ

ххих:
КУРАЕВ

и дизайнер:
ол ШУКУРОВ

он Республикаси
маси ҳузуридаги
Комиссиясининг
лар рўйхатида
шган.

еспубликаси
маси ҳузуридаги
гча Қўмитанинг
брдаги № 6822
и билан нашр
ди.

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ БОЛА ТУГИЛИШИ ВА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ

Ушбу мақолада мавжуд адабиётлар ва дала тадқиқотлари асосида Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган арабларнинг бола туғилиши ва тарбиясига доир расм-русумлари, гўдакни барча ёвуз куч ва бегона кўзлардан сақлаш ва соғлом, чиройли, бақувват, хушхулқлик каби сифатлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: этнография, маданият, моддий маданият, оила, ота-она, бола, этнос, миллат, этник тарих, ўзликни англаши, этник гуруҳ, этномаданият, кийим-кечак.

В этой статье сказано про арабских детей родившихся в Узбекистане они богатые обычаями, целеустремлённостью, красотой и воспитанные в духе отвечающим требованиям современности.

In this article traditions of a baby birth and upbringing a child saving a child from bad strength and other evildoers, peculiarities of a strong, healthy, handsome and well-tempered child of Arabs who live in the territory of Uzbekistan have been analyzed based on available literatures and examinations in this field.

Дунё халқлари моддий ва маънавий маданиятига ўз таъсирини кўрсатган. XX асрни тарихда ўзига хос ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар даври деб аташ ўринлидир. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб келаётган халқлардан бири араблар турмуш-тарзи анъанавий урф-одат маросимларига ўз таъсирини кўрсатди.

Умуман, бола тарбияси тўғрисида гапирганда бобокалонларимиз ўзларининг қимматли фикрларини билдирганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жумладан, машҳур мутафаккир Абу Али Ибн Сино: "Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили равон чиқиб, қулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак" [3: 28]. "Гўдакнинг танасини чиниқтириш учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб, тебратиш, иккинчиси она кўшиғи (агла). Биринчиси, боланинг танасига (жисмоний тарбия сифатида) зарур, иккинчиси руҳий озик бўлади", – деган эканлар [18: 27]. XX аср донишмандларидан бири, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат [2: 43] болалар ёшини даврларга бўлган ҳолда, болага ўз вақтида таълим ва тарбия бериш ҳар бир ота-онага катта масъулият юклашини таъкидлайди.

Бола тарбиясига оид урф-одатлар халқнинг умумэтноик жиҳатларини ўзида мужассам этади. Шу боисдан ҳам донишманд халқимиз томонидан "Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла", "Бир болага етти кўшни ота-она" каби мақоллар бежизга айтилмаган [25: 112]. Жумладан, немис сиёсатчиси А. Файнберг таъбири билан айтганда: "Маҳалла – инсон қонунларини ҳурмат қилган ҳамда ёшларни тарбиялашга, уни камол топишига қўмак берувчи жамият институти"дир [23: 32]. Ўзбекистонда араблар билан ўзбек оилаларидаги ўзаро муносабат тартиб-қоида асрлар давомида шаклланган ва улар оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, аҳиллик муҳитини яратиш ва сақлаб туриш, қариндош-уруғларнинг ўзаро муносабатлари, бола туғилиши ва тарбияси кабилар билан боғлиқ алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Инсоннинг руҳияти, дунёқараши шаклланадиган даври, яъни гўдаклик даври оила даврасида кечганлиги боис, оилавий тарбия шахс комил бўлиб, етишида асосий ва ҳал қилувчи босқич сифатида баҳоланади. Бинобарин, бола тарбияси жараёнида, айниқса, гўдаклик даври тарбиясига катта аҳамият берилган. Бу эса илмий асосланган ҳақиқатдир.

Маълумки, бола тарбияси барча халқлар тумуш-тарзида алоҳида ўзига хослик билан ажралиб туради. Шарқ оиласида ёши катталарга қулоқ солишади. Оиланинг ёши

улуғига қулоқ солмаган бола тарбиясиз ҳисобланади [10].

Ўзбекистондаги бошқа халқлар қатори маҳаллий арабларда ҳам бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатларнинг аксарияти минтақа қишлоқларида оқсоқол, масжид имоми, кайвони, кўни-қўшнилар иштирокида ўтказилади.

Шерзод ИСКАНДАРОВ
Тошкент тиббиёт
Академияси ўқитувчиси

Маҳалла оқсоқоллари қишлоқ болалари келажагига эътиборли бўлишган. Шу боис ҳар бир боланинг ахлоқ-одоби, юриш-туриши, энг аввало, жамоадан сўраб-суриштирилган [6: 84].

Ўзбекистон араблари ҳомиладор аёлларнинг бола туғилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари ўтказилади. Жумладан, Қарши ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи араблар орасида ажойиб удум мавжуд бўлиб: оилада ҳомиладор аёлнинг кўзи ёришига яхши ният қилиниб "шишак кўй" ("икки яшар кўй") боқилади ва чақалоқ туғилиши билан у сўйилади [5: 72-73]. Арабларда ҳомиладор аёллар туя, от гўштини истеъмол қилишмайди. Чунки, туя, от гўштини истеъмол қилса, бола туғилиши кечикиб кетишини таъкидлашади.

Араб аёллари чақалоқ туғилгандан сўнг 40 кунгача чилла сақлайди. Чақалоқ туғилган уйда 3-4 кунгача мол сўйиш тақиқланган, хом гўшт олиб келса, болага чилла тушади деб ҳисоблашади [14]. Шунингдек, чақалоқ чилласи чиққунича қоронғуликдан қаттиқ муҳофаза қилинади ва бу даврда водийда авваллари хонадон ўчоғидаги олов, ҳозирда эса электр чироғи ўчирилмайди [21]. Аслида "чилла" сақлаш билан боғлиқ анъаналар дунё халқларининг аксариятида кенг қўлланилган. Фақат чилланинг муддати, яъни неча кун давом этиши ва унда бажариладиган удумларнинг хусусиятларига кўра бири-бирдан фарқланган. Баъзи халқларда бу етти кун бўлса, бошқасида ўн кун, айримларида эса ўттиз кун давом этган [24; 20]. Чақалоқнинг энг оғир ўтказадиган кунлари бу биринчи етти кунликдир. Бу кунларда унинг биологик аҳволи атроф-муҳитдаги ҳаво ҳароратига, ёруғликка мослашади [19]. Чақалоқнинг чилла даврида она ва болани ёвуз кучлар таҳдидидан асраш мақсадида қатор расм-русумлар бажарилган. Жумладан, чиллани уйга бепушт аёллар, бегона кишилар киритилмаган, хонадон чироғи ўчирилмаган ва ҳоказо [4]. Ўзбекистон арабларида бола туғилгандан сўнг чилла маросимида жуда катта эътибор қаратилган, бегона кишилар, фарзандсиз аёллар, жуғи (пўли)лар ва бошқа шу каби одамларни уйнинг яқин атрофига келиши тақиқланади.

Араблар орасида бола туғилиши билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган навбатдаги катта маросим бу "бешик туйи"дир. Арабларда маҳаллий ўзбек ва тожик халқлари сингари бешикнинг ўзи топ ёки терак дарахтидан, остки

қисми эса тебратганда йиқилиб, кетмаслиги учун оғирроқ дарахт шохларидан ясалади. Бешиқ тўрттадан саккизта устбоши (гирдбоши) билан ўралган бўлади, боланинг ётиши учун такбозилар устига юпқа тахталар қоқилади. Бешиқнинг ости тўрт оёқли, текис терилган тахта ётқич ва унда тувак учун махсус тешиқдан иборат бўлади ва икки тарафига узунлиги бир метрдан ортиқроқ кенлиги 8-10 см, бўлган қасқон ўрнатилади, унга даста бириктирилади. Дастанинг иккала томони кўпинча қўббадан ясалади. Боланинг бош ва оёқларини ҳимоя қилиш учун қасқонлар ичига бошлаши ва бағалак чўплар ўрнатилади [22].

Ўзбекистон арабларининг турмуш-тарзи ва ўзига хос урф-одатларидан яна бири “бешиқ гардан”, “қулоқ тишлаш”, “кийим йиртиш” каби маросимлар бўлиб, бунда туғилган ўғил ва қиз боланинг ота-оналари келишувига, розилигига асосан чақалоқлик давридаёқ унаштириб қўйилган [11; 13; 15; 16]. Гўдак болаларни чақалоқлик давридаёқ бундай унаштириб қўйиш каби удумлар Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлиб, “қулоқ тишлаш”, “бешиқдаги унаштириш”, “бешиқ кертти” деб номлаган [1: 299].

Арабларда, энг аввало, қизларга ёшлигидан оилада алла айтиб бешиқ тебратишга ўргатилган. Қари момолар чақалоқни бешиқка белаб бўлган, қизлар навбат билан алла айтиб бешиқ тебратишган.

Ўзбекистондаги арабларнинг ўзига хос қадимдан давом этиб келаётган анъанавий маросимларидан бири арабча исм қўйиш бўлиб кўпинча, Араббой, Муҳаммад, Абдурахмон, Фотима, Хадича каби исмлар қўйилган.

Фарзанд тарбияси билан боғлиқ тўй маросимлари сирасига кирувчи суннат (хатна) тўйидир. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ исломий маросимлардан бири бу хатна қилиш бўлиб, мазкур одатнинг генезиси жуда қадимий даврларга бориб тақалади [17: 56-57].

Суннат тўй маросимлари ўзига хос бўлиб, жамоавий тарзида халқнинг ўртасида қадимий тарих билан боғлиқдир. Суннат тўй маросими турли халқларда турлича тарзда ўтказилиб келинган. Масалан: Яман ва Миср араблари ўртасида сақланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [7: 108]. Инсоният воқеа ва ҳодисаларнинг баёни халқ турмуши ва маданиятини кўп минг йиллик тараққиёти суннатнинг Ўрта Осиёга араблар билан бирга келганлигини кўрсатади. Бу одат араблар босиб олган жойларда улар олиб борган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий сиёсат жараёнида исломнинг мавқеини мустаҳкамлаш палласида тарқатилган бўлсада, ажаб эмас [7: 109].

Фойдаланган адабиётлар:

1. “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида Этнологиясининг долзарб муаммолари мавзусидаги IV республика илмий-назарий конференция материаллари // Қурбонов А.Э. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва удумлари. – Т.: Наманган, 2007.
2. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Иккинчи нашр. – Т.: Маънавият, 2000.
3. Абу Али Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Турдибоев Н. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009.
4. Аширов А.А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар. (Фарғона водийси материаллар асосида) // дис. қўлёзма. – Т., 2007.
5. Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
6. Бўриев О. Саидов. Б. Маҳалла-миллий тарихи инсти-

туйларга ҳар ердан ошпазлар чақирилмаган, тўрт-бешта тўйдош қишлоқларга хизмат қилувчи махсус ошпазлар бўлган. Шунингдек, тўйда сартарош устанинг ҳам ўз ўрни бўлган. Сурхондарёда яшовчи арабларда болани суннат қилинган қисмини 3 кундан сўнг узум, хурмо каби мевали дарахтнинг остига қўмади. Ота-оналари шунда “яхши бола бўлсин”, “мусулмонлик қуллуқ” деб яхши ният қилишади [14]. Бухоро вилояти Жугари қишлоғи арабларининг тасаввурида агар суннат қилинган бола терисини бошқа одамларга берса, шу бола келажақда фарзандсиз ўтиши мумкин [8]. Суннат тўй чуқрон қилинган терини мевали дарахтни тагига боланинг онасига қўмади [11].

Бухоро тумани арабларида бола туғилгандан сўнг ўзи оилавий маросимларидан бири суннат маросими бўлиб, унда болани исломий ақидалар асосида ўтказилади. Суннат тўйини ҳозирги вақтга келиб кичик оилавий маросим тарзда ҳам ўтказилмоқда [9].

Суннат тўйи маросимларида “ота ош”, “раис чақирди”, “ўтин йиғди” каби базмлар бундан 30 йиллар олдин ўтказилган. Ҳозирги даврга келиб суннат тўй маросими 200-500 одамларни жамлаб ресторанларда ўтказилмоқда. Тадқиқотларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, араб аёллари олдинги вақтларда суннат тўй маросимида қулта пишак кийган (бу кийим аёлларни бош кийим бўлган) [12]. Бу ҳам арабларининг ўзига хосусиятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистондаги араб ёшларининг таълим-тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Ўзбек ва арабларининг кўпчилик қисми хориж тилларини ўрганишмоқда. Ўзбекистон араб ёшлари ўз тарихи, миллий маданияти, тили, урф-одат ва маросимлари йўқолиб, ўзбеклашиб бормоқда, агар араб ёшларидан: “Сиз қайси миллат вакилисиз?” – деб сўрасангиз “Ўзбек” деб жавоб беришади.

Хулоса қилиб айтганда, фарзанд туғилиши ва тарбиялаш билан боғлиқ удумлар Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос хусусиятларга эга. Юқорида зикр этилган расм-русумлардан гўдакни барча ёвуз куч ва бегона кўзлардан сақлаш, болани соғлом, чиройли, бақувват ва хушхулқлик каби сифатларга эга бўлиб ўсиши, онани эса янада соғлом бўлиб, кўплаб фарзандларни воёга етказиши каби олижаноб мақсадлар кўзланган.

Ўзбекистон арабларининг оилавий маросимларида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимларни киритиш мумкин. Аммо арабларнинг турмуш-тарзи ва маънавиятидаги ўзига хос жиҳатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, оилада бола тарбиясида ота-она ҳамда маҳалланинг ўрни каттадир.

тут. – Т.: Янги нашр, 2012.

7. Бўриев О., Хужамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши: Насаф, 2005.
8. Дала ёзувлари Бухоро вилояти, Ёғдуров тумани. Жугари қишлоғи. 2012.
9. Дала ёзувлари Бухоро вилояти, Жондор тумани. Пулати қишлоғи. 2012.
10. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов қишлоғи. 2011.
11. Дала ёзувлари Навоий вилояти, Хатирчи тумани. Полвон ота қишлоғи. 2012.
12. Дала ёзувлари Самарқанд вилояти, Нарпай тумани. Арабхона қишлоғи. 2012.
13. Дала ёзувлари Самарқанд вилояти, Нарпай тумани. Чарчин қишлоғи. 2012. йил.
14. Дала ёзувлари Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани. Работ қишлоғи. 2011.
15. Дала ёзувлари Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

Боғдод маҳалласи. 2011.

16. Дала ёзувлари Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани. Работак қишлоғи. Чинобот маҳалласи. 2011.

17. Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнографияси. – Т.: Уқитувчи, 1985.

18. Исмоилов Ҳ. Ўзбек туйлари. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

19. Пайзиева М.Х. Ўзбекларда таъзия маросимлари: аналогик ва қиёсий таҳлили. // Этнологиясининг долзарб муаммолари мавзусидаги IV республика илмий-назарий конференция материаллари. – Т.: Наманган, 2007.

20. Пандей Р.Б. Древнеиндийский домашние обряды. – М.: Высшая школа, 1990.

21. Троицкая А.Л. Рождение и первые годы жизни ребенка у таджиков Заравшана // Советская этнография. 1935. №6.

22. Турсунов Б.Р. XX аср Фарғона водийсида оила, оилавий маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (Конибодом воҳаси мисолида) дис. қўлёзма. – Тошкент-Хўжанд, 2002.

23. Фуқаролик жамияти. 2008 й. №4.

24. Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. – М.: Наука, 1983.

25. Ўзбек халқи мақоллари. – Т., 1989.

КСЕНОФОБИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Ушбу мақолада диний ксенофобиянинг моҳияти, турлари ва намоён бўлиш шакллари уни келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда ксенофобия салбий жиҳатларининг олдини олиш йўллари кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: ксенофобия, миллий ва ирқий ксенофобия, фобия, бегона, ўзга, қўрқув, бағрикенглик.

В данной статье говорится о сущности ксенофобии, разновидности и виды проявления а также способствующие факторы его появлению вместе с тем приведены способы по предотвращению ксенофобии. В статье используются различные научные источники по тематике ксенофобии.

This article deals with the nature of xenophobia, species and manifestations as well as contributing factors to its emergence, at the same time, methods for preventing xenophobia are given. The article uses various scientific sources on the subject of xenophobia.

Айтиш жоизки, бугунги кунда диний ксенофобия моҳияти ва ҳозирги даврдаги хусусиятлари, Ўзбекистон шароитида унинг салбий оқибатларининг олдини олиш ҳамда дунё тарихи мисолида унинг намоён бўлиш шакллари ва амалий жиҳатларини ўрганиш мазкур мақоламизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шунингдек, мақолада “диний ксенофобия” тушунчаси доирасида фикрларни шакллантириб, унинг асосий хусусиятларини аниқлаш ва мазмун-моҳиятини очиб беришдан иборат.

Ксенофобия – (юн. Ксенос – бегона; фобос – қўрқув) [8: 254] юнон тилида бирорта “бегона”, “нотаниш” бўлган нарса ёки тушунчадан “қўрқиб” маъносини англатади. Тиббиётда бу сўз инсондаги “нотаниш шахс, нарса ҳодиса ва бошқалардан қўрқиш” ёки улардан “нафратланиш” туйғуларини билдиради. Нотаниш нарса ва ҳодисалардан эҳтиёткорлик юзасидан бегонасираб, улардан етиши мумкин бўлган хавф-хатардан қўрқиш инсондаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш хусусияти билан боғлиқ бўлиб, одатда соғлом инсонда кузатиладиган ҳолатдир. Бу каби ўз ҳаёти, насли, турини бегона ва номаълум хавф-хатардан ҳимоялаш, биологик қўрқув ҳиссиёти ҳайвонларда ҳам мавжуд.

Ксенофобия одатда “бегона”, “ғайриоддий”, “тушунарсиз” каби маъноларни англатиб, у аксар ҳолларда ирқий, миллий, диний тушунчалар билан бирга қўлланилиши кенг тус олган, албатта бу ҳолда ксенофобия салбий маъноларни англатади [1: 54]. “Бегона” тушунчаси миллий ўзликни англаш ва шакллантириш учун муҳим омиллардандир.

О.М. Шевченко, Л.Л. Штофер каби тадқиқотчилар фикрига кўра, ксенофобия ҳодисаси ёритилган адабиётларни ўрганар эканмиз, у ўзига хос мураккаб ва қарама-қарши тушунчалардан иборат эканлигига гувоҳ бўламиз. Ксенофобиянинг бир жиҳати ҳар қандай ривожланган, шаклланган жамият ва маданият ўзининг йиллар давомида яратилган анъана ва қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилиши табиий ҳолдир. Бу ҳолатда бегона бўлган ҳодиса ва воқеликларнинг муайян халқ менталитетига

кириб боришдан хавфсираш, уни ўзгартиришга интилишдан чўчиш туйғуси табиийдир. Бошқа томондан эса, диний, ижтимоий, сиёсий воқеликларнинг “ўзга”ларга нисбатан душманлик кайфиятида аниқ бузғунчи ғояларни шакллантира олишга, маълум ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфаатларини амалга оширишга қодир идеологик қуролга айланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида уруш ва низолабга сабаб бўлади.

Азиза НОСИРОВА
ТИУ магистри

Ксенофобияни тадқиқ этиш аввало психология фани доирасида “фобия”, яъни “қўрқув” муаммосини тадқиқ этишда амалга оширилган. Тадқиқотлар натижасида асаб тизими билан боғлиқ қўрқувлардан фарқли ўлароқ, ксенофобия ижтимоий муносабатларда юзага келишини З. Фрейд таъкидлаб ўтган. Жумладан, у қўрқувни икки турга бўлиб мавжуд, реал ва невротик турларга ажратган. Реал, мавжуд қўрқув рационал ва тушунарли бўлиб, у хавфга нисбатан табиий хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Невротик қўрқув эса, йўқ нарса ва ҳодисалардан қўрқишдир [4: 41].

Тадқиқот объекти бўлган диний ксенофобия турли динлар билан боғлиқ тушунчалар, кишилар, гуруҳлар ва бошқалардан қўрқув ҳиссиёти, шунингдек, унга бўлган салбий муносабатдан келиб чиқувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Ксенофобияни тадқиқ этар эканмиз, уни турли фан соҳалари доирасида ўрганилганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан: психология, фалсафа, биология, социология, сиёсатшунослик юридик фанлари доирасидаги тадқиқотлар ксенофобияни кенгроқ англашга қаратилган. Бу эса, ксенофобия мазкур фан тармоқларига бевосита алоқадорлиги унинг кенг тармоқли эканлигидан далолат беради.

Қайси кўринишда бўлмасин фобия – “ваҳимали қўрқув” инсонларни бемаъни хатти-ҳаракатлар содир этишга туртки яратиб, атрофдаги олам ҳақида нотўғри тасавурларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Олимларнинг таъкидлашларича, тарихий муносабатлар жараёнида, яъни урушлар, истилолар, маънавий қадриятларнинг ўзгариши туфайли генетик ксенофобия шаклланиб борган. Психологларнинг таъкидлашича, ксенофобия